
Рамазон ифторликлари ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРЛАНМОҚДА

Рамазон ифторликлари

ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ ҚАДРЛАНМОҚДА

Муқаддас динимиз ва миллатимизга хос қадриятлар Давлат томонидан мунтазам қўллаб-қувватланмоқда. Президент ташаббуси билан Наврўз байрами арафасида мамлакат бўйлаб саҳоват тадбирлари ўтказилганди. Анъанани давом эттириб, Рамазон ойида туман ҳокимлиги, Сектор ва МФЙлар томонидан ифторликлар ўтказилмоқда. Олтиариқ тумани 1-Секторидаги "Осиё" тантаналар саройида эҳтиёжманд оилалар, "Темир дафтар", "Аёллар дафтари" рўйхатидагилар ва ногиронлиги бўлган фуқаролар учун ифторлик тадбири ўтказилди. Файзли дастурхон атрофида рўзадорлар оғиз очиб, эл-юртни дуо қилишди. Маҳалла ва кўчларда амалга оширилаётган ободончиликлар, фуқароларга кўрсатилаётган ғамхўрликлар учун мамнуният билан шукрона айтишди. Бош имом-хатиби қуръон тиловат қилди. Ҳамма биргаликда юртга тинчлик, деҳқончиликларга барака, ишларга ривож тилади. Имконияти чекланган фуқаролар хонадонига ифторлик таомлари етказиб берилди.

2023-03-31 07:55:25